



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "26" mart

Қ-223 -son

Termiz sh.

Олтинсой тумани Х.Номозов массивида фаолият юритаётган "Мохира ая балиқлари" фермер хўжалигига қўшимча "Чорва молларини боқиш" ҳамда "Омборхона ва молхона" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/158-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 29 декабрдаги 50-сон хулосаси, Олтинсой тумани ҳокимининг 2020 йил 25 декабрдаги 01-05/251-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Олтинсой тумани Х.Номозов массивида фаолият юритаётган "Мохира ая балиқлари" фермер хўжалигига қўшимча туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 846 ва 847-дала контурларидаги жами 1,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,95 гектари чорва молларини боқиш учун (30 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан, шундан 0,05 гектари омборхона ва молхона қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Мохира ая балиқлари" фермер хўжалиги 0,05 гектар яйлов ер майдонига "Чорва комплекси"ни қурилиши учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 630 009 (олти юз ўттиз минг тўққиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов